# Рамз Бобожон

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1974

Рамз Бобожон

# ТАНЛАНМА

УЧ ТОМЛИК

821.512.133
Б 79

# Рамз Бобожон

ИККИНЧИ ТОМ

№ 8030

## ПОЭМАЛАР

Уз
Б 79

$\frac{7—4—3—130}{Б—М—352—06—74}$ 109—74



# БАҲС

*...«и вбежишь*
*по строчке*
*в изумительную жизнь».*
*(В. Маяковский)*

Ёшлик!
Сени
ким севмаган,
ким?
Лабларингдан
ким тишламаган?
Ташлаб кетсанг,
ким эсламаган,
Ким изламаган?
Ким
лол қолмаган камолингга,
Ҳусни жамолингга,
бўю бастингга,
Қудратингга,
Саодатингга...
Ким тушмаган
сенинг дастингга,
Ҳатто қастингга?
Беллашмаган,
тиллашмаган ким?
Наҳотки,
Авлодлар жим?!
Аждодлар жим?!

## 1

— Ҳей!..
тўхта,
қайга шошасан,
Манзилинг аниқми?
— Аниқ!
— Нега бунча қайнаб-тошасан,
Кўзларинг юлдуздай ёниқ...
Борми билетинг?
— Билетми?
Мана, бир сандиқ!
— Ҳазиллашма,
кўрсат!
Иш жадал,
Кемамиз шай,
йўлчи кўп,
вақт зиқ...
Сафаринг қайга?
Бир нафас тур тек,—
Деди-ю бортпроводник
сигнал берди,
сигнал...
Биров ойга,
Биров Марсга,
Биров Юпитерга,
Яна биров бошқа бир ерга...
Мен-чи?
Мен
Ёшлик диёрига,
Умрим наҳорига,
Севгим баҳорига...
Ҳамма ҳайрат билан боқди:
— Қайтиш?
— Ҳа, шундай!

Шундай орзу қалбимни ёқди,
Қўлимда қайтиш билетим...
Ёшлик —
      ўз элатим,
Соғиндим...
Билетни олгандай қарзга
Омонат турардим,
              сўраб ижозат...
Кема командири қулоқ солгандай
                          арзга,
Эсига тушгандай ё хилват сайри,
Деди:— Майли!
Бошим кўкка етди...

2

Кема жўнаб кетди
Ёшлик диёрига...
Ўзимни бердиму хаёл ихтиёрига,
Дулдул от бошини қўйган каби бўш,
Булутларга уриб тўш,
Учдим,
Фазогирдай бевазмин кўчдим
Жойдан жойга,
Юлдуздан ойга,
Узоқ-узоққа,
Қирғоқдан қирғоққа,
Тоғлардан тоққа,
Боғлардан боққа...
Бир боқсам,
          ям-яшил ўрмон,
Бепоён худди!
Ерми ё осмон?
Қайда ҳудуди?
Буғдойзор айқирар,

Пахтазор ярқирар...
Йўлларда,
Чўлларда паровоз,
Олис-олисларда ГРЭС,
қурилиш...
Юксалиш,
бурилиш....
Металл комбинат...
Меҳнат,
фароғат,
машаққат,
роҳат...
Девқомат симёғочлар,
Сим устида қалдирғочлар
Нуқтадай,
Нотадай...
Тун ойдин
қутлуғ эртадай...
Бир боқсам,
қишлоқлар,
Дашту ўтлоқлар,
Зумрад япроқлар,
Нурли чироқлар
имлар ўзига...
Баъзан кириб хаёл сўзига
Унутаман меридианларни...
Бир ҳатлаб ўтаман
Магаданларни,
Бомбайга қўнаман,
Бамбукдан қалам йўнаман,
Кезаман элларни,
Йилларни
Бекатма-бекат,
манзилма-манзил...

3

Элликка кирдиму,
аммо
Элликни эламадим,
Олтин тоғ тиламадим...
Айни муддао —
Ёшлик сарҳадида,
ўзимни кўрдим...

Бу ким?
Менми?
Ҳайратда турдим
Йўл бошида,
қуёш тигида,
Хурсандликдан қалбим йиғида,
Киприкларда ёш...
Чорраҳа устида кўрсаткич бир тош:
Ўнгга — Ўлим.
Сўлга — Зулм.
Ёшлик — олдинга,
Кексалик — ортга...

Ўйланиб қолдим...
Ҳар бурчакдан олдим —
Йўлланма,
Қўлланма,
кўнмадим шартга...

Аммо
кексалик таъқиб этарди,
Узоқлашсам,
қувиб етарди,
Деразамдан нарида,
Ташқарида...
Ёшлик сўрарди:
(Узоқдан кўрарди)
— Сен кимсан?
— Сенинг гадоингман,

Адонигман...
— Сочларингда оқ?
— Юрагимга боқ!
Ишонма,
табиат ҳазилларига,
Ёшликка ўчман,
Ёшликдай кучман,
танимадингми?
Инсон умрин манзилларига
Назар солдим,
Сени сўроқлаб...
Севгингни сақлаб,
Сенга қайтдим,
айнимадингми?
Ўйладим,
адашсам йўлда мабодо,
Адрес бюро
хизматдан қочмас,
заҳрини сочмас...
Ёшлик куларди...
Кексалик юрарди пояма-поя
Худди соя...
Ғашлик қиларди —
Зулм...
Пайт пойларди
Ўлим...

4

Сен,
эй руҳим,
ҳайиқма,
гердай!
Икки йўл орасида ҳам,
Ўзингни тут,
ҳамиша бирдай

Хотиржам...
Наҳотки,
иш келмаса ўнгдан,
Ёшлик диёрининг қопқаси
қайта
Очилмаса,
қўрққандай дўнгдан,
Дўнг эмас,
тоғларга тик туриш қайда!
Атомлардан зарби зўр
кучман,
Ёшликка ўчман!

Ёшлик баркамол,
Қудратли хаёл...
Денгиз тўлқини,
Ўрмон шовқини,
Юлдуз жимирлаши,
Қоя қимирлаши —
хаёл зўридан,
орзу қўридан.
Хаёлсиз
на ижод!
На ҳаёт!
Хаёл идрокка қанот...
Хаёлдан бошланади ҳамма нарса ҳам,
Шеър ялалиши,
Нурнинг таралиши,
Ҳатто

ГОЭЛРО!..

Хаёлсиз яшаганми Лениндай доҳий?!
Уэлльс арвоҳи —
Тарих гувоҳи.
Хаёл
ўзи бир олам...

Инсонни
космосға учирган шамол,—
Ойга олиб чиққан ҳам,
Хаёл!
Хаёл!
Бир он,
бир лаҳза,
бир нафасда бемалол
Сомончи йўлин ўтиш,
Юлдуздан нари кетиш,
Ешликни сўроқлаш,
қайта кашф этиш,
Телбаликдай аянчми?!
Хаёл
шунчалик майиб,
палажми?!

5

Хаёл
инсонга хос...
Хаёлсиз умр қисқа!
Зотан, тошбақа,
Зотан, бир қузғун
Юз йил,
минг йил яшаши мумкин
Беғам,
беэҳтирос!
Исёнкор қалб
кўнмайди бунга,
Бундай қонунга,
Рад этади буйруқларни ҳам,
Йўриқларни ҳам,
Интилади
фақат олдинга,

Ойдинга!
Қани,
        ҳей,
            қайдасан,
                        бортпроводник —
Синалган ҳамроҳим,
Ҳақгўй гувоҳим?
Бардам бўл!..
                    Кетдик —
Ёшлик диёрига,
                Севгим баҳорига!
— Тўхта!—
                деди посбон,—
Оёғинг остига қара!
Ёшлик — у ён,
Кексалик — бу ён,
Ўртада довон —
Чегара,
            Чегара!..
Англолмайман ҳеч нима,
Тикиламан ҳайрон!
Посбон ҳам саросима,
Бесаранжом...
Тикиламан —
                чегарадан йўқ нишон,
Чегарага ўхшамас...
Тўхтатмаса-тўхтамас —
На от, на улов,
На чавандоз, на яёв...
На белги бор, на ёзиқ,
На қора,
            қизил чизиқ...
Чегарадан неча бор
Ўтганман аниқ-таниқ —
Элатлардан элатга,
Давлатлардан давлатга...

Йўлларда чироқ ёниқ,
Тўсиқлар қатор-қатор...
Бу гал ҳайронман-ҳайрон,
Чегара йўқ,
бор посбон,
Бу ҳам шартли, эҳтимол...
Хаёл,
Хаёл...
Хурсандман!
Паспортим —
Ёшлик паспорти,
Чиниқиш рапорти:
Одимладим
фақат олдинга,
Тунларни ёқалаб чиқдим ойдинга...
Беш йилликлар бўлди бешигим,
Улғайдим,
очилди ҳаёт эшиги,
Отилдим
кунларнинг қайноқ қўйнига,
Бардош бердим тақдир ўйинига!..
— Балли!—
дегандай посбон
Жилмайиб қараб қолди,
Шартга тўғрилаб,
йўғон —
Паспортни қўлга олди.
Титкилади,
тикилди,
Боши қотди,
сиқилди,
Сўради:
— Қайтиш?
— Йўқ!
Давлатни бойитиш...

Ҳазиллашдим,
Гўё тиллашдим...

Чегарачи берди честь,
Паспортга босди муҳр.

Ҳарбийларча дедим:
— Есть!
Шу бўлди узр-маъзур...

6

Ҳали биринчи бекат,
Ҳали биринчи манзил,
Ўқувчим,
бўл саломат,
Ҳали йўлда кўп ҳазил...
Ҳали Ёшлик диёри —
Олдинда,
балки олис...
Йўл-йўлакай дастёри
Хизматда холис...
Амримда —
Авто,
Мото,
Локомотив
Ва яна алланималар...
Теплоход,
Самолет,
Вертолет,
Луноход,
Космик кемалар...
Қани,
ҳей!
Қайдасан,
бортпроводник —

№ 8030

Синалган ҳамроҳим,
Ҳақгўй гувоҳим?
Бардам бўл,
кетдик...
Ҳамон
Кексалик таъқиб этарди,
Узоқлашсам,
қувиб етарди...
Ўлим ўрмаларди айғоқчидай,
Зулм пойларди қароқчидай..
Дўнғилларди икков,
Тил эмас, ғаров:
— Жонингни оламан,
Кета олмайсан.
— Азобга соламан,
Ета олмайсан
Муродга!
Мен
қамчи ургандай
отга
«Ҳайё-ҳай» деб жўнаб қоламан...
Рўпарамда
Ёшлик шиори:
«Ёшлик —
мардлик —
мангулик,
Ёшлик — истиқбол!..»
Шу ердан бошланади ҳаёт баҳори,
Шу ердан бошланади ажиб бир хаёл...
Олдга интилдиму,
ортимга боқдим,
Хаёл наҳрида оқдим:
Икки ён қирғоқ,
Икки ён чироқ...
Икки ёнда сўнмас ўт,
Икки ёнда байроқлар...

Кўкда сузган оқ булут
Соябондай яраклар...—
Оқ мармардан обида,
Қора тошдан монумент,
Қуйма зирхдан ҳайкаллар..
Баҳодирлар,
пари пайкарлар,
Фидойилар олдида
шаҳар,
Қишлоқ,
Кент —
Бош эгиб турарди
оқшому саҳар...
Таъзим қилдим
мен ҳам
Жасур ёшликнинг
олов руҳига,
Шукуҳига...
Ораликда
худди бир қадам
Карл Либкнехт
ишчи фарзанди,
Йигитлар марди —
Жон берди қийноқда.
Синоқда...
Роза Люксембург ётар тупроқда,
От думига бойланган соч —
нозик томоқда...
Зулм ялангоч,
Ўлим очкўз,
оч!...
Аммо
Ёшлик майдонда,
Қалби тугёнда,
Яратарди замон эртагини

7

Ҳайкаллар сафма-саф
Фахрий қоровулдай...
Йиллар довулдай
Ўтди-ю, кетди,
мен қолдим қараб...
Ҳайкаллар қўзғолди,
Тирикдай
нафас олди,
Келди рўбарў...
Танидим бирини,
Кўзларида қонталаш қайғу...
Эсладим:
Туғилган ерини,
Ўсган элини —
Қўқонлик Абдулла —
комсомол Набиев
Корчагинга сафдош,
елкадош...
Босмачи тўдаси —
Чемберлен қудаси
кўтарганда бош,
Эй, Ўлим,
туролмадинг ўзингни тийиб!
Эй, Зулм,
қўшилишиб,
сен ҳам отдинг тош,
Абдулла кетди ёш,
Абдулла Набиев!..
Оёғим остида авраради Ўлим:
— Жонингни оламан!
Деразам ортида жаврарди Зулм:
— Қийноққа соламан!
Кексалик бағрига босгудай бўлиб,

Кўзлари кулиб,
Меҳрибонлик билан боқарди,
Меҳр ўтин қалбда ёқарди...
Мен-чи,
    мен,
    қаттиқ қарайман —
Ўлимнинг кўзига,
Зулмнинг юзига...
Оғир жангга
            ҳали ярайман!..
Тўсиқларни бузиб,
Мурғак бўйнини чўзиб,
Морозов тилга кирди:
                — Тирикман,
Бахтингга шерикман!
— Азизим Павлик!
Ҳақлисан!
Бахтлисан!
Тириксан,
            тирик!
Колхозингда меҳнат кунинг бор,
Ўрнинг бор...
— Йўқ!— деди Ўлим,—
Йўлда чалганман,
Азобга солганман,
Ота қўлида
            жонини олганман...
Павликка тикилдим,
Гўё букилдим...
Қаридим юз ёш,
Асабим бебош!...
Ҳайкаллар қўзғолди,
Тирикдай нафас олди..
Танидим
        яна бирини,

Югуртириб
кўзим қирини —
Нурхон!
Бағри қон
ўзбек қизи —
Санъат севгиси,
Кулгиси,
йиғиси...
Кўксида гул эмас,
пичоқ —
Олчоқ!
Қани,
сиз,
ҳей, Гулсаралар,
Гулчеҳралар!
Наҳотки,
ўлдирса ака укани,
Ўғил отани,
Ота ўғлини —
ўз қизини,
ўз фарзандини,
Дилбандини!..
Бу,
қандай удум!
Қандай анъана!
Йўргаклаган —
қайси бир мавсум,
Қайси бир сана!
Наҳотки,
мавҳум!
Қайси қабиладан,
Қайси сулоладан
қолган
бу удум?!
Нақадар машъум!
Жавоб бермас —

Сарварлар,
Пайғамбарлар!
На Момо Ҳаво!
На Одам Ато!
На Хобил!
На Қобил!
Жавоб бермас —
Жаҳонни чангалида тутган,
Аждар бўлиб ютган
Жаҳонгирлар,
Амирлар,
Шоҳлар,
Шоҳ эскисини кийган маддоҳлар!

## 8

Яна бекат,
Яна манзил...
Гоҳ ҳазил-ҳузул,
Гоҳ киши диққат...
Тартиб-интизом мажбурий,
қаттиқ...
Найлай!
Юким бир талай,
Ёшликка — тортиқ...
Торозбон
торозига қўйди,
Оғрини яхшиликка йўйди.
Аммо
ўтказмади эски-тускидай
Хотираю
эсдаликларни...
Бўлар-бўлмас,
қуроқ кўскидай
Кексаликларни...

Кўзи тушди
кўзойнагимга,
Олиб қолди уни ҳам.
Қўлимдаги кўк чойнагимга —
Тиқилинч қилмаса
бўлгани,
бўтам!
Чойсиз ишим битмас,
Куним ўтмас...
Кўзойнак,
Майли,
кексалик аломати.
Кўк чой-чи,
Кўк чой — кишининг саломати!
Овқат бўлса мазалик —
Яхшиси,
қизил палов.
Аямаса масаллиқ,
Тобида бўлса олов,
Очиқиб, есанг,
Ишлаб...
«Кўк чой» десанг,
Гўшт тишлаб,
Йиғлаб кўришар икков,
Кўк чо-ю, қизил палов...
Ҳар қанча бўлса умид,
Торозига тортмади,
Орзу сира ортмади,
Беҳисоб экан лимит...
Яна қоровулхона,
Яна посбон берар честь.
Дедим:— есть!
Кошки,
топсам баҳона,
Кўзин шамғалат қилиб,
Уэнни ғалат қилиб,

«Лип» этиб ўтиб кетсам,
Янги манзилга етсам...

Зулм қораларди,
Ўлим ораларди...

9

Оқ халат кийган
                    зўр
Лекин ёш,
Дукки бош —
Доктор
Кийимимни ечирди,
Кўздан кечирди
Вужудимни —
                қулоқдан оёққача,
                сочимдан тирноққача...
Ҳар битта мўйга
                    танқидчидай боқди...
Қулоқ қоқди —
Юрагимга,
Юрагим бежо
                кўринди унга.
Рива-рочин
                қўйди билагимга —
Текширди расо,
Сўнг
        юборди рентгенга...
Ҳали
        жавобин кутмай,
Бир лаҳза,
                бир нафас ўтмай —
Кордиограмма

Драма —
Алғов-далғов
Худди тўқай,
Ов...
Овчилар ҳам келишди дарров...
Ҳозир бўлди жарроҳ —
Қарчиғай,
Юрагимни олар мўлжалга,
Жадалга...
Рангим ўчди,
Қоним қочгандай!..
Ўз жойидан юрак кўчди,
Қопқасин очгандай...
Қўлга олиб,
қаради жарроҳ.
Юрак сирларидан бўлгандай
огоҳ,
Пайқади,
Бошин чайқади:
Ханжар изи бор,
Худди ўзи бор...
— Алмашлаш керак,—
деди,— янги юракка!..
Наздимда:
Янги гул эски челакка...
Бўлмадим ризо,
Иҳрардим,
Эҳтимол, босинқирардим...
Узоклардан келди акс-садо:
— Йўқ!
Ўзимнинг юрагимни бер,
Тилагимни бер!..
Ханжар изи —
Севги юлдузи...
Алмашлашга
унамадим ҳеч,

Кеч кирарди,
кеч...
Ҳамширалар
югуриб-еларди,
Консилиумга келарди —
Казо-казолар,
Ақли расолар,
Ман-ман деган зўрлар,
Профессорлар,
Академиклар,
Доно,
етуклар...
Баҳс бошланди,
Ўртага
фикр ташланди...
Биров деди:
— Чаккимас юрак...
Биров деди:
— Алмашлаш керак!

## 10

Жарроҳ сергак,
Жонсарак...
Пироговга қилди мурожаат,
Келтирди цитат...
Вишневскийдан
ўтинди кўмак...

Уринди,
Суринди,
Халак...
Кимларга
ташаккур билдирди,
Кимлардан далил келтирди...

Баҳс қизиди —
мунозара,
муҳокама...
Ҳар ким
билганини айтди,
айтди бир нима...
Жарроҳ талашди.
Ўлим аралашди:
Энг осон иш —
Чанг солиш,
жонини олиш!..
Зулм деди тиш қайраб,
Тишда сайраб:
— Йўқ!
Зулмимни ўтказаман,
Жон жонига етказаман,
Азоб бераман
қийноқда,
Фироқда...
Халойиқ кўрсин,
Қон йиғлаб турсин —
Ишимдан,
Қилмишимдан...
Номим билан Зулмман,
Зулм!
Ҳеч гапмас Ўлим!
Ўлим деди:
— Ёқангда қўлим!
Кеккайма, ҳаддингдан ошма,
Кўпириб тошма!
Ҳали
бурнингни тишлаб,
Кўксингга муштлаб,
қолмасанг бас!
Сен,

нима?
бир мараз!
Ўлдириб-ўлдирмайсан,
Қолдириб-қолдирмайсан —
Биқсиган оловдай,
Ёнмаган қаловдай!
Демак,
ишинг хом!
Мен жонини олдимми,
тамом!
— Кўрганман,
бир ўқ билан кетганни,
Дунёдан ўтганни —
Сени танимай!
Қийналган-чи,
танир камида
Жиндай!
Уринади —
қутилиш учун
Аямай кучин...
Қутилолмайди
аммо!
Сенга —
Ўлимга ҳам бўлади ризо...
Ҳа,
Мен
шундайман,
Қийнайман!
Қийнаганман
Оташин дилни —
Муса Жалилни!..
Қийналган Тельман,
Лумумба,
буюк Галилей,
Ҳатто Прометей!..

Чегарадан чиқди Зулм,
чиқди Ўлим ҳам...
Пайдо бўлди Ешлик —
баҳодир,
ўктам,
Деди даргазаб:
— Йўқол,
баттол!
Мақтанишни
сенга
ким қўйган!
Сен туфайли умрлар,
Ўсмирлар
жонидан тўйган —
Ўлимига бўлгандай рози,
Эсиз ўтган баҳори,
ёви...
Концлагерда
сен берган азоб —
Қўрқинчли китоб...
Тирикнинг қонин сўргансан.
Ўлик — бешбаттар...
Олтин сочдан арқоқ ўргансан,
Суяклардан — зар...
Яқинлашма,
қоч!
Кўзи оч,
Оқсоқ!
Сен тугул Ўлим —
қаршимда қўрқоқ!..
Зулм ботинолмади,
Ўлим ҳам...
Аммо
аламзада панд еганидан,
Қолмасди ҳеч ўз деганидан,
Чекинса ҳам қадам-бақадам:

— Жонингни оламан!
— Қийноққа соламан!
Иккиси тил бириктиргандай
Ўч тошини қўйинга солди,
Жаҳаннам қаърига
киргандай
Кўздан йўқолди.
Чегарада
Кексалик қолди,
Сўз олди:
— Демак,
Зулмга ҳам,
Ўлимга ҳам,
Чап берди юрак,—
Чаккимас мотор,
Иссиқ —
Ўттиз олти-ю олти!
Механизм болти
Ҳали мустаҳкам,
Бел бардам,
Қадамлар шахдам...
Кўз — прожектор,
Асаб —
телеграф,
Бош —
Олий штаб,
Бари жойида,
Сақлангандай
қонун-қоида...
Бирдан
очилди қопқа,
Олинди шлагбаум...
Ҳали, биринчи дафъа
Ёшликдай ажиб жабҳа —
Кўз олдимда намоён,
Ўзимда йўқдай ўзим,

Уйлайман:
                    Ростми-ёлғон?!

## 11

Ёшлик диёрига —
Қўйдим илк қадам,
                    қайта туғилдим,
Қайта туғилдиму,
                    нурда йўғрилдим
Уша кун,
          ўша субҳидам.
Уфқда камалак —
                    Пикассо мўйқаламидан...
Қизлар сочи қирқ бир жамалак,
Ошиқ юрак ишқ аламидан —
Қийқирарди —
               кўкда гулдурак,
Дарёда тўлқин...
Ҳилпирарди байроқлар,
Парпирарди чироқлар,
Тонготардан шовқин...

Муз устида баҳор,
Гул устида қор,
Ажиб бир лавҳа...
Лабларда қаҳқаҳа,
Қалбларда виқор...

Большой театрда
                    ёш Уланова,
Руснинг қизи қушдай учарди,

Нуқтага банд кўзларда жилва,
Оёқлари енгил кўчарди.
Оёқлар,
Оёқлар,
Онегин ардоқлаган
оёқлар...
Бернара сақлаган —
Анъана,
тантана —
Саҳнада чақнаган чақмоқлар...
Қори Ёқуб ҳали йигитдай,
Сабза урган мўйлаби
қиттай,
Барала айтарди:
«Яша, Шўро!»ни
Ларзага келтириб,
эски дунёни...
Чилдирмалар банг,
Юракларда жанг,
Раққосалар ўйноқи,
қашанг...
Ноғоралар така-тум,
така-тум...
Сурнай,
карнай...
Минг бир хил оҳанг,
Пардалар таранг,
Унларда жаранг,
Куйларда табассум...
Йўлларга тўшалган шодлик гилами,
Оёқ қўйсанг,
чах-чахлар кўнгил,
Руҳ енгил...
Кўчаларда
ёшлик байрами,
Байрам!

Байрамга

кечикмай келибман

мен ҳам...

Мушаклар

ўтли хартумдай,

кометадан узилган думдай

Буралар,

Ўралар...

Йўлда,

ўнг-сўлда

Қувишарди,

ўзишарди —

Пойгачилар пиёда,

Автода...

Дарёда,

кўлда

Сузишарди —

Қирғоқдан қирғоққа...

Тармашарди —

Алпинистлар

чўққига,

тоққа...

Стадионда

тепиларди тўп,

Одам кўп...

Ешлик қуюндай,

Ўйин ўйиндай...

Намойиш,

кўрик,

Минбарда қуёш...

Гуллаган ўрик...

Табиат ёш,

Башарият ёш...

Колонна боради

монолитдай,
Қалқимасдан қиттай...
Қаторда илғорлар,
Байроқдорлар
Беш йиллик шунқорлари,
Зарбдорлари...
Меҳнат шоввозлари,
Тинчлик жонбозлари...
Миллатлар,
Элатлар...
Майдонда —
уч паҳлавон,
Уч қаҳрамон,
Уч машъал —
Ёшликка сайқал
Ватан уруши қуюнларидан,
Олимпия ўйинларидан,
Афсонавий домна печидан —
Комсомол кучидан!..

Колонна боради,
боради Ёшлик —
Ғайратли,
мақташли,
Дили оғашли
Авангард қисм —
ВЛКСМ...
Ёшлик фестивали
замин томида,
Тинчлик алёрлари
дўстлик жомида...
Колонна боради —
кўзи куёшли,
ўзи бардошли —
Шуҳратли номлар,

Баланд мақомлар,
Кучли илҳомлар...
Ёшлик — ерда,
Ёшлик — осмонда,
Ёшлик — шеърда,
Ёшлик — достонда...

## 12

Сабр қил,
    эй илҳом!
Сабр қил, юрак!
Баҳс
    ҳали этади давом,
Дунё —
    чархпалак...
Таржиман холимдан
Иқболимдан,
Туриш-турмушимдан
Юмушимдан
Топилгандай бир ишкал,
Бир бало,
Чақиқ бўлди беимзо,
Бемаҳал....
Бироқ
    Тарқалди узун-қулоқ...
Тарқалди минг хил хабар,
Минг бир хил олди-қочди...

Комиссия иш очди,
Ҳар саволи бир дафтар.
— Туғилган йилингиз,
Элингиз?
— Кўз очиб кўрганим,

Кўриб турганим —
Октябрь
кашф этган тупроқ;
Ўша кунлар
Россиядай кекса онанинг,
Ягонанинг
Кўксидаги миқти чақалоқ —
Халқ давлати,
Халқ саодати...
Бахтлиман —
Ильич
ёши довон ошганда,
Эрк дарёси
тўлиб-тошганда —
Туғилдим —
Йиғладим,
кулдим...
Ҳали Ватан
кул тепадан —
Тиклангандай турарди,
Фидойилар
қайта қурарди
Тонготардан —
эртадан!..
Душман қутурарди,
Ўқ еган қашқирдай
ўкирарди...
Халқ тақдирин ўйларди Ленин,
Рўзгорда дон йўқ,
Еярга нон йўқ...
Ҳаво кам,
сув кам,
Лекин,
сафлар мустаҳкам,
Метин!
Метин сафга қўшилдим

мен ҳам...
— Касбингиз?
— Сайёҳ,
ҳамиша кезишда,
Изланишда...

— Ота касбингиз?
— Қурувчи.
Кўз-кўз қилгудай
Шаҳар-қишлоқ бор,
Иншоотлар,
Равотлар
қатор-қатор,
Отам қўли теккан —
ўчмас белгидай...
Кадимги бир чекка —
Магнитка
элларга машҳур...
Днепрдан,
Чирчиқдай ердан
оқар дарё нур...
Амур устидаги Комсомол шаҳри —
Ёшликнинг фахри!
— Маълумотингиз?
— Олий.
Мақтанишга арзимаса ҳам,
Шу фурсат,
шу дам —
Диққатга молик.
— Ирқингиз,
миллатингиз?
— Ирқ нима,
билмайман!
Миллатим — Совет миллати...
Инсоний